

БУДДО

1-БОБ БУДДО ШАКЪЯМУНИ

1. БУДДОНИНГ ХАЁТИ

1. Химолай тоғларининг жанубий этакларидан окиб ўтувчи Руҳини дарёси қирғогида, Шакья сулоласи давлатининг пойтахти Капилавасту шаҳрида, қаср ичра шоҳ Суддҳуданна Гаутама яшади. У оқилона ва одилона ҳукм юритди, халқ уни севди ва ҳар жиҳатдан итоат қилди.

Маликани Майя дер эдилар. Унинг отаси ҳам Шакья насаби асос солган қўшни давлатларнинг бирида шоҳлик қилар эди. Майя шоҳга амакивачча эди.

Йигирма йилдан ортиқ вақт ичида шоҳ ва шоҳина фарзанд кўрмади. Илло бир кечаси малика гаройиб туш кўрди, гўё ўнг ёнбошидан ичига оқ фил кирдида, у ҳомилали бўлди. Шоҳ, сарой мулозимлари ва бутун халқ бармоқ билан кун санаб чақалоқ туғилишини бесабр кута бошлади. Мавлуд соати яқинлашар экан, малика ўз халқининг расмига кўра туғиш учун отасининг уйига жўнади. Йўлда ҳордиқ учун Лумбанинг боғига қўнди.

Очиқ баҳор куни эди, теваракда ашўк гуллари қулф уриб гуллайди. Гуллаб турган бутоқни узмоқ учун малика қўлини узатди-да, шу он ўгил туғди. Бутун атроф малика ва унинг ўғлини олқишлаб куйлаб юборди. Бу воқеа 8 апрелда бўлган эди.

Суюнган шоҳ ўғлига Сиддхартха, яъни “буткул орзулар ушалди“ дея исм қўйди.

2. Аммо шодлик кетидан шоҳ бошига мусибат тушди. Ҳадемай малика Майя вафот этди. Шаҳзодани унинг синглиси Маҳапраджапати улғайтира бошлади.

Яқин орадаги тоғда Асита исмли донишманд-дарвеш яшар эди. Сарой атрофидаги шуълани кўриб, у саройга келди, янги туғилган шаҳзодани кўрсатганларида, у башорат қилди: “Улғайгач, саройда қолса, у улуг шоҳ бўлади ва бутун оламни бирлаштиради. Магар саройни тарк этса, дарвеш бўлиб хаққа етишади, Буддо бўлади, дунёни халос илмоқ унга буюрилмиш.”

Донишманд-дарвешнинг бу башоратига шоҳ аввал хурсанд бўлди, илло вақт ўтиши билан уни ўғлим саройни тарк этиб, дарвеш бўлмаса эди деган ўй безовта қила бошлади.

Буддо Шакьямуни

Шаҳзода етти ёшидан савод чиқариб, ҳарбий санъатларни ўргана бошлади. Бир баҳор куни шоҳ билан қишлоққа жўнади. Ер ҳайдаётган деҳқонни кузатиб, ер остидан омон чиқарган чувалчангни еган қушчани кўргач, ҳайратланиб: “Даҳшат Тирик махлуқлар бир-бирини еса-я” - деб хитоб қилди-да, дарахт соясига ўтириб, чуқур ўйга толди.

Онадан эрта айирilib, энди тирик жониворларнинг бир-бирини ейишини кўриб, ёш шаҳзода ҳаёт фожеасини барвақт англади, бу ҳол унинг таъсирчан қалбини чуқур жароҳатлади. Бу жароҳатниҳолчадаги тилинган жой сингари вақт ўтиши билан борди ва ёш шаҳзодани тобора қайғули фикрларга солди.

Ўғлидаги бу ўзгаришлар донишманд-дарвешнинг башоратини шоҳнинг эсига солди ва у ташвишга тушди. Шаҳзоданинг кўнглини кўтармоқ учун, бутун имкониятни сарф қилди. Шаҳзода 19 ёшга тўлганда, шоҳ уни Девадаҳа қасрида яшовчи қайноғаси-шоҳ Супрабуддҳанинг қизи Яшодҳарага уйлантирмоқчи бўлди.

3. Шаҳзода Баҳор, Куз ва Ёмгирлар саройларида ўн йил яшади, унинг ҳаёти базму байрамларда ўтди. Илло у ҳаёт ҳақиқатига етмоққа интилиб ҳамиша ўйчан юрди.

“Саройдаги бу дабдаба, соғлом тан, кишиларни ҳаваслантирувчи бу ёшлик менга на ҳожат? Кишилар оғриб, охири бир-бир ўлмоқдалар. Ў лимдан ҳеч ким қоча олмайди. Ёшлик, офият ва ҳаётнинг мазмуни нимада?”

Киши яшар экан, демак, нимадир излайди. Қимларнингдир излагани жўяли, кимникидир ножўя. Насибаси қаримоқ ва оғриб ўлмоқ бўлса-да, абадий ёшлик ва маангу барҳаётлик излаётган-ларнинг излагани ножўя.

Жўяли излаётганлар бу гумроҳлик эканлигини тушунадилар-да, қарилик, хасталик ва ўлимдан, шунингдек, бошқа ҳаётий мусибатлардан устун бўлган нарсани излайдилар. Менинг ҳозир излаётганим жўяли эмас.”

Буддо Шакьямуни

4. Огир муҳокама ва руҳий кураш йиллари шу тариқа ўтди. 29 ёшида ягона ўгли Раҳулани кўргач, саройни тарк этишга қарор қилди. Аравакаш Чандакани эргаштириб олди-да, суйимли оти кантҳақага миниб, саройни ташлади. Бас, бу оламдан алоқани узиб, дарвеш бўлиб яшай бошлади.

Шунда иблис унга васваса қила бошлади: “Саройга қайтиб, кутганинг яхши. Тез орада бутун дунё сеники бўлади.” Шаҳзода қичқириб юборди: “Йўқол, иблис. Бу оламда менга ҳеч нарса керак эмс.” Шаҳзода иблисни ҳайдаб, роҳиблардек бошини тарошлатди-да, гадойлик қилиб жануб сари йўл олди.

Шаҳзода даставвал донишманд-дарвеш Бҳагаву ҳузурида бўлди ва унинг тақводорлик тажрибаси билан танишди. Сўнгра Арада Калама ва Удрака Рамапутра қошида бўлиб, уларнинг тақволи турмушини кўрди ва ўзи ҳам улардек яшаб боқди. Бироқ тез орада билдики, бу хил турмуш дили равшанликка олиб бормайди. У Магадҳа давлатига ўтди. Бу ерда, Гайя шаҳри ёқалаб оқиб ўтувчи Найранджана дарёси бўйида ўзини қаттиқ жисмоний қийноқларга солди.

5. Бу ҳақиқатдан ҳам оғир жисмоний ўз-ўзини азоблаш эди. Кейинчалик унинг ўзи ҳам тан олганидек, бу мислсиз қийноқлар эди. Унинг айтишича, “ўтмишда бирон дарвеш ўзини бундай қийноққа солмаган, ҳозирда биронтаси ўзини бундай қийноққа солаётгани ёўқ, келажакда ҳам дунёвий турмушни тарк этган биров ўзини бундай оғир қийноққа солмайди.”

Илло бу ўз-ўзини қийнашлар ҳам шаҳзоданинг хошишини қондирмади. 6 йил давом этган жисмоний синовларни пушаймонсиз тўхтатди, дарё қўйнида гусул қилди-да, ёш қиз Суджата қўлидан ширгуруч еди, заифлашган сихҳатини ўнглай бошлади.

У билан ўрмонда ўзини жисмоний қийноққа солган бошқа беш дарвеш шаҳзодани бардош бермади деган фикрга келди ва уни ташлаб бўлак жойга кетди.

Шаҳзода ўзи ёлғиз қолди. У дарахт соясига ўтирди-да, ўзини ўлимга чоғлаб, рўёга чўмди. Ўзича жазм қилди: “Майли, қоним қуриб битсин. Майли, этим ириб кетсин. Суякларим чирисин, илло мен бу ердан жилмайман.”

Унинг қалбида оғир ва зўриқтирувчи кураш бошланди. Юрагини нотинч ва хавотирли фикрлар тилка-

Буддо Шакьямуни

пора қилади, хаёлидан қора кўлага, ваҳимали ўйлар ўтади. Буларнинг ҳаммаси иблис найранги эди. Кураша-кураша уни ўзига яқинлатмади ва тор-мор қилди. Бу нафс кураши эмас, ажал билан кураш эди: қон сизиб, эт сузона бўлди, суяклар қисирлади.

Бироқ кураш тугаб кўкка янги кун туғилганидан хабар берувчи тонг юлдузи чиқди, шаҳзоданинг дили ярақлаб кетди, у садди пок бўлди — Буддога айланди. Бу шаҳзоданинг 35 ёшида, 8 декабрь тонгида рўй берди.

6. Шундан буён шаҳзода Буддо. Дили равшан, Фойиб, Шакьямуни ёки Шакья қабиласидан чиққан Донишманд, Табаррук ва бошқа номлар билан атаб келинади.

Шакьямуни, даставвал, ўзи билан 6 йил мобайнида жисмоний қийноқларни бирга ўтказган беш дарвеш яшаётган Варанасидаги Мригадавуга азм қилди ва уларни ўз эътиқодига тортди. Дастлаб улар бундан қочдилар, аммо ўғитларини эшитиб, унга ихлос қўйдилар ва унинг биринчи шогирдлари бўлдилар. Раджагриҳада у шоҳ Бимбисарани ўз эътиқодига тортди. Шакьямуни унинг саройида қарор топди-да, ўз таълимотни бутун мамлакат бўйлаб тарғиб қила бошлади.

Ташналар сувга, очлар таомга интилгандек, одамлар у томон юрдилар. Икки халфаси Шарипутра ва Маудгальяянани қўшганда, бу ерда унинг шогирдлари икки минг кишидан ошиб кетди.

Ў глининг дунёвий турмушни тарк этаётганидан. Хафа бўлган Суддҳодана ва шаҳзоданинг саройдан кетаётганига қаттиқ қайгурган энагаси Маҳапражапати. Малика Яшодҳара ва Шакья қабиласидан бошқа кишилар ҳам унга эргашдилар, унинг шогирди бўлдилар.

7. 45 йил ўз таълимотини тарғиб қилароқ, Шакьямунининг ёши 80 га етди. У Вайсалида, Раджагриҳадан Шравастига борар йўлда оғриб қолди ва уч ойдан сўнг Нирвана (мутлоқ хотиржамлик ва фароғат) га кирмоғини башорат этди. Шакьямуни тарғибот саёҳатини давом эттириб Павага етди. Бу ерда у, темирчи Чунда келтирган таомни рад этиб, ўзини ёмон ҳис қилди. Аммо аъзойи баданидаги оғриқ ва заифликка қарамасдан, у Кусинагара сари жўнади.

У Кусинагара шаҳри четидаги ўрмонга кириб, икки баланд дарахт орасидаги ерга ётди. Ётган ҳолда ўз шогирдларига таъли беришни давом эттирди, оқибат,

Буддо Шакъямуни

Буддонинг улугвор воизлик вазифасини ниҳоясига етказиб, у охиста Нирванага кирди.

8. Шакъямуни Нирванага кирганда, Кусинагара аҳолиси чуқур қайғуга чўмди. Буддонинг суйимли шогирди Ананданинг кўрсатмаси билан улар ўз усто-зи танасини оловга топширдилар.

Шоҳ Аджатапатру ва бошқа 7 ҳинд шоҳи ҳам Шакъямуни хокини беришни сўради, илло Кусинагара аҳолиси рад қилди, оқибат, уруш бошланди. Бас, донишманд Друнанинг маслаҳатига кўра хок саккиз давлат ўртасида бўлинди. Шакъямунининг хоки солинган қутиларни бошқа давлатлаару кишилар ҳам олдилар. Улар муқаддас хокни авайлаб сақлай бошладилар. Уни сақлаш учун 10 та буддо ибодатхонаси қурилди.

2. СЎНГГИ ЎГИТ

1. Шакъямуни Кусинагара четидаги ўрмонда сўнгги ваъзини ўқиди.

У шогирдларига мурожаат қилиб деди: “Ўзингиз ўзгалар учун чироқ бўлинг, ўзингиз ўзингизга таянч бўлинг, ҳеч кимдан умид қилманг. Сизга эса менинг таълимотим чироқ ва таянч бўлсин. Ўзга таълимотларга суянманг.

Ифлос танангизга боқиб, билингки, у ифлос, бас яхши сарпо сўрамангў. Билингки, роҳат ҳам, азият ҳам азоблар сабабчиси, ҳузур-ҳаловатга берилмангў. Дилингизга боқиб билингки, унда ўз “мен”ингиз йўқ ва ўз ҳиссиётларингиз алдовига кирмангў. Шунда сиз азоблардан абадий халос бўла оласизў. Гар сиз бу таълимотга ишонч билан эргашсангиз, бу дунёдан кетганимдан кейин ҳам, менинг асил шогирдларим бўлиб қоласиз.

2. Шу чоққача айтган ўгитларимни доимо ёдда тутинг, доимо улар тўғрисида ўйланг, уларнинг мағзини чақинг ва улардан асло бўйин товламанг. Гар ишонч билан таълимотимга эргашсангиз, бахтли бўласиз.

Таълимотимдаги асосий нарса шуки, дилни жиловлай билишдир. Истакларингизни тия билишингиз ва ўзингизни енгишингиз даркор. Ўзингизни тўғри, дилингизни пок тутишингиз ва сўзингизга содиқ бўлишингиз лозим. Истакни тўхтатиш, газабни унутиш, ёмонликдан нари туриш ва ҳес қачон турмуш юкини унутмаслик керак.

Агар юракда ёвузлик ва истак кўпса, уларни енга билиш лозим. Юракка бўйин сунманг, юрагингизнинг хўжайини бўлишингиз керак.

Буддо Шакъямуни

Юрак инсонни ё Буддо, ё ҳайвон қилади. Киши адашса, иблисга, дили равшанлик топса, Буддога айланади. Дили пок бўлинг ва бу тўғри йўлдан оғишманг.

3. Таълимотимга амал қилиб, тинликда бир-бирингиз билан аҳил яшанг, бир-бирингизни ҳурматланг ва ўзаро талашиб-тортишманг. Сув билан сутдек қовушинг ва сув билан ёғдек бир-бирингизни нари қилманг.

Таълимотимга биргаликда эргашинг, биргаликда уни ўрганинг, биргаликда камолотга интилинг. Бир-бирингизга кўмак беринг, тариқат шодлигини баҳам кўринг. Арзимас нарсаларга алаҳсиманг, фойдасиз нарсаларга вақтингизни беҳуда сарф қилманг, дили равшанлик гулларини тўкманг ва тариқат меваларини териб олинг.

Сизга бераётган ушбу таълимотни мен дили равшанлик туфайли топдим. Сиз уларни сақланг ва ҳар бобда уларга эргашинг.

Кимки таълимотимга эргашмас экан, мен билан ёнма-ён туриб мени кўрмайди. Кимки унга эргашса, мендан қанчалар узоқда бўлмасин, мен унга ёрман.

4. Шогирдларим, менинг сўнги нафасим яқинлашиб қолди. Видо чоғи яқинлашиб қолди. Илло

қайгурманг. Ҳаёт-дардисар, туғилган каски ўлади. Мен ўлгач, жисмим аравадек чириб кетади. Инсон вужудининг дардисарлигига бундан зиёда исбот борми?

Дунёвий эҳтирослар иблиси ҳушёрлигингиз сусайган ҳар лаҳзада сизни йўлдан уришга ҳозир у нозир. Гар хонангизда заҳарли илон ошён тутган бўлса, заҳаролуд махлуқни хонадан қувиб чиқармагунча, сиз хотиржам ухлай олмайсиз.

Дунёвий эҳтирослар иблисини қувиб чиқармоқ лозим. Дунёвий эҳтирослар илонини ҳайдаб чиқариш даркор. Дилингизни ҳушёрлик билан сақлашингиз даркор.

5. Шогирдларим, охирги оним келди. Илло унутмангки, бу танамнинг ўлими холос. Инсон танани ота-онасидан олади, уни озиқ-овқат ёрдамида парваришлайди, шунинг учун у касаликка чалинувчан, шикаста ва охир-оқибат, унинг қисмати — емирилиш.

Буддо Шакьямуни

Буддонинг моҳияти танасида эмас, балки дили равшанликдадир. Тана емирилажак, дили равшанлик эса ҳақиқат ичра ва Дҳарма фаолиятида абадий барҳаёт. Танамга боққан эмас, таълимотимни англаган киши мени кўра олади.

Менинг ўлимимдан сўнг Дҳарма сизнинг устозингиз бўлиб қолади, уни сизга қолдириб кетаман. Сиз уни асрамогингиз ва шу билан менга хизмат қилмогингиз зарур.

Шогирдларим, ҳаётимнинг сўнгги 45 йилида нима айтмоқ даркор бўлса, ҳаммасини айтдим, нима қилмогим зарур бўлса, ҳаммасини қилдим. Менда сиздан яширган бошқа сир йўқ. Ичимда ҳам, ташимда ҳам йўқ. Нимани айтиш лозим бўлса, барини айтдим.

Шогирдларим, охириг оним келди. Нирванага кириб кетмоқдаман. Бу — менинг сўнгги ўғитим.”

2-Б О Б АБАДИЙ БУДДО

1. БУДДОНИНГ МЕХҲР-ШАФҚАТ ВА АҲДЛАРИ

1. Буддонинг руҳи — бу Олий меҳр-шафқат ва Олий ҳамдарликдир. Олий меҳр-шафқат — бу Буддонинг барча кишиларни, ҳар қандай фидойилдик билан бўлса ҳам, халос этмоқ истаги. Олий ҳамдардлик — бу Буддонинг кишилар билан бирга жонбозлик қилмоқ ва бирга изтироб чекиш истагидир.

Буддонинг руҳи мунис она каби инсонни бир зум бўлса ҳам, эътиборсиз қолдирмайди, уни қўриқлайди, озиқлантиради ва хатарли кезде уни қутқаради. Буддо ҳеч вақт одамларни тарк этмайди. Одамларнинг изтироблари — Унинг изтироблари, одамларнинг шодлиги — Унинг ўз шодлигидир.

Буддонинг Олий ҳамдардлиги кишиларни ўзига чорлайди. Бу олий ҳамдардликни ҳис этиб, унга икона бошлайдилар. Ишонч эса равшанликка олиб келади. Бу онанинг ўз боласига бўлган меҳри орқали ўзини она дея идрок этишига ўхшайди. Она меҳрига чулғонган бола эса ўзини иссиқ ошёнда хотиржам ҳис этади.

Абадий Буддо

Аммо одамлар Буддо руҳининг ҳислатларини тупунмайдилар. Шу туфайли дунёвий эҳтиросларга асир бўладилар, машаққат тортадилар, адашадилар ва азоб чекадилар. Қилинган кори бад юки остида бўғилдилар, бир сарсонлик тоғидан иккинчисига ўтадилар.

2. Буддонинг меҳр-шафқат ва ҳамдардлиги бу дунёдаги ҳаёт билангина чекланиб қолмайди. Улар абадий, ниҳоясиз. Улар азалу азрўздан мавжуд, одамлар бу дунёда туғилиб ўлиб, қайта туғилиб, адашиб азоб чека бошлаган замонлардан буён мавжуд.

Буддо одамлар қошида уларга ошно бир суратда намоён бўлади ва уларни халос этмоқ учун бор имкониятини ишга солади.

Буддо Шакья қабиласининг шаҳзодаси бўлиб туғилди, саройни тарк этди, ўзини жисмоний қийноқларга солди, дили нурланди, халойиққа таълим берди ва ўлди, бу билан ўлимнинг моҳиятини кўрсатди.

Одамзот адашувларининг охири йўқ ва Буддо фаолиятининг ҳам охири йўқ. Одамзот гуноҳларининг чегараси йўқ, Буддо меҳр-шафқат ва ҳамдардлигининг ҳеч чегараси йўқ.

Зотан, Буддо дили равшанлик йўлига қадам қўяр экан, зиммасига тўрт улуг аҳд олди. Биринчи аҳд — барча халойиқни халос қилиш. Иккинчи аҳд — барча гумроҳликларни бартараф этиш. Учинчи аҳд — буткул таълимотни ўргатиш. Тўртинчи аҳд — дили равшанликка эришмоқ. Мазкур тўрт аҳдни бериб, Буддо дили равшанлик сари йўл олди. Йўл бошида у берган мазкур тўрт аҳд Олий меҳр-шафқат ва одамларга Олий ҳамдардлик, уларни халос қилмоқнинг қизгин истагидан ўзга нарса эмас.

3. Буддо ўз камолоти учун даставвал бошқа тирик мавжудотларни ўлдириш гуноҳидан халос бўлди ва одамларга узоқ умр кўрув истагини билдирди.

Буддо ўгирлик гуноҳидан халос бўлди ва одамларга нима истасалар, шуни олмоғини хоҳлади.

Буддо нафс голиблигидан халос бўлди ва одамлардан тиладики, бировга ёмонликни соғинмасин, ташналик ва очликни билмасинлар.

Буддо ўз камолоти учун ёлғондан халос бўлди ва тиладики, ҳақиқатни сўзловчи хос кишилар дил осойишини билсинлар.

Риёкорликдан халос бўлиб, Буддо истадики, Одам-

Абадий Буддо

лар ўзаро тинчва ахил яшасинлар ва биргаликда тўғри йўл ахтарсинлар.

Гийбатдан фориғ бўлиб, Буддо одамларга истадики, ҳамиша улар дилида тинчлик ва хотиржамлик бўлсин, хавотир нима — билмасинлар.

Вайсақилик нуқсонидан фориғ бўлиб, у тиладики, одамлар бир-бирига ғамхўр ва эътиборли бўлсинлар.

Буддо ўз камолоти учун зиқналикдан халос бўлиб, тиладики, одамлар қизғончиқ бўлмасинлар.

Нафратдан халос бўлиб, у тиладики, одамлар бир-бирига тамоми ҳамдард бўлсинлар.

Нодонликдан фориғ бўлиб, Буддо тиладики, одамлар сабабли алоқага бепарво қараб янглишмасинлар.

Шу тариқа Буддонинг меҳр-шафқат ва ҳамдардлиги барчага тегишлидир. Буддо барчага фақат саодат истайди. Буддо айна ота-онадай омон енгиб ўтмоғини истайди.

2. ХАЛОСКОРЛИҚ ВА БУДДОНИНГ МАДАДКОРЛИҚ ҚЎЛИ

1. Дили равшанлик соҳилида турган Буддонинг овози гумроҳлик денгизида чўкаётган кишиларнинг қулоқларига етмайди. Шунинг учун унинг ўзи гумроҳлик денгизига кирди ва одамларга нажот қўлини чўзди.

Бир зарбулмасалда ҳикоя қилинишпича, бир бой киши яшаган экан. Бир куни уни уйи куйиб кетибди. Тасодифан иш билан уйдан чиқибди-да, қайтганида, аланга қуршовидаги уйни кўрибди. Бой киши ловуллаб турган уй ичида ўйнаётган болаларни чақирибди, аммо болалар ёнгинни пайқамай ўйнайверибдилар.

Ота болаларига қичқирибди: “Болалар, қочинглар! Тезда уйдан чиқинглар!” Илло болалар унинг гапига кирмабдилар.

Шунда жони халак ота қичқирибди: “Болалар! Менда гаройиб ўйинчоқлар бор. Манг, олинг уларни.” Ўйинчоқдан дарак топган болалар ёнаётган уйдан ташқарига югуриб чиқибдилар ва қутилиб қолибдилар.

Бизнинг ҳаётимиз ёнаётган уйга ўхшайди. Илло одамлар уйнинг аланга ичидалигини пайқамай, жонини гаровга қўйиб унинг ичида яшайверадилар. Шунинг учун Буддо Олий ҳамдардлик туфайли одамларни қутқармоқ учун ҳамиша барча имкониятни ишга солади.

2. Бошқа бир зарбулмасалда айтиладики, қадимда бой кишининг ёлғиз ўта ота уйини ташлаб жаҳон бўйлаб кезмоққа жўнабди, лекин омад қочиб, у гадойликка тушиб қолибди.

Ота уйдан чиқиб, саргардон ўглини излаб кетибди. Ҳар жойдан ахтарибди, бироқ уни топа олмабди.

Бир неча ўн йиллар ўтибди. Батамом гадойлашган ўғил иттифоқо бой отаси яшайдиган шаҳарга кириб қолибди.

Ўз ўглини таниб қолган ота қувончидан сакраб тушибди ва унинг орқасидан қаролини жўнатибди. Аммоўғил ишонмабди. Алдовдан чўчиб отаси олдига бормабди.

Шунда ота яна қаролини юборибди ва уни яхшигина хақ бадалига хизматга таклиф қилибди. Бу хил тузоққа тушган ўғил рози бўлибди ва ота уйда хизматкорларнинг бири бўлиб ишлай бошлабди.

Ота уйда ишлаётган ўғилни бой ота гумонга бормай муҳимроқ ишга буюрибди ва ниҳоят, унга хазина сақланадиган омбор калидини берибди. Илло шунда ҳам ўғил ота уйда хизмат қилаётганини пайқамабди.

Ота ўглининг шундай хазинабон ва меҳнаткашлигидан жуда суйинибди. Умри оз қолганлигини кўриб, бир куни барча қариндош, яқину танишбилишларини тўплабди-да, уларга дебди: “Бу — ме-

нинг ўғлим. Узоқ йиллар қидирган ўғлим. Бугундан бошлаб бутун бойликларим унга ўтади.”

Бу гапни эшитиб, ўғил ҳайрон бўлиб қолибди ва дебди: “Мен фақат отамнигина топиб қолмасдан, яна бехосдан ўз бошимча бу бойликларнинг ҳам эгаси бўлиб қолдим.”

Зарбулмасалдаги бой киши — бу Буддо, гумроҳ ўғил эса одамлар. Отанинг якка ўғилга нисбатан муҳаббати бўлса Буддонинг ер юзидаги барча кишиларга қаратилган меҳр-шафқат ва ҳамдардликдир. Буддо ҳар бир одамга ўғлидай таълим беради ва дили равшанлик хазинасини бағишлаб уни бойитади.

3. Барча одамларни ўз ўғлидай севгувчи Буддонинг Олий ҳамдардлиги ҳамма учун баравар, илло, одамларнинг феъл-атвори бир хил бўлмагани каби, ҳар кишини паноҳига олиш даражаси ҳам ҳар хилдир. Ёмғир ҳам ўт-ўлан ва дов-дарахтлар узра бир хил ёғади, аммо ундан ўт-ўлан ва дов-дарахтлар ўзига яраша эмади.

4. Ота-онанинг боласи қанча кўп бўлмасин, уларга бари бир хилда азиз. Мабодо улар орасида касал гўдак бўлса, уни бошқалардан кўра зиёдароқ яхши кўради.

Шу каби Буддонинг ҳамдардлиги ҳамма учун бир хил, бироқ оғир гуноҳ қилган ёхуд ўз нодонлиги ту-

Абадий Буддо

файли азоб чекаётганларга у кўпроқ шафқат ва гамхўрлик кўрсатади.

Ўуёш шарқдан чиқиб, зулматни тарқатади ва Ер юзидаги барча мавжудотни нурга ўраганидек, Буддо ҳам одамлар ичра пайдо бўлиб, ёвузликни барбод қилиб, эзгуликни парваришлайди, ақл-заковат нури улашади, жаҳолат зулматини тўзитади ва кишиларни дили равшанликка олиб боради.

Буддо — меҳрибон ота ва ҳамдард она. Буддо меҳр-шафқат ва ҳамдардлик билан Ер ю. зидаги барча кишиларнинг бахт-саодати учун хизмат қилади. Буддонинг меҳр-шафқати ва ҳамдарддигисиз одамлар омонлик топмайдилар. Олам аҳли ўзига паноҳ бўлиб чўзилган Буддонинг қўлига болалар каби эгилмоғи зарур.

3. АБАДИЙ БУДДО

1. Одамлар Буддо шаҳзода бўлиб тугилди, дарвеш бўлиб саройни тарк этди ва дили равшанликка эришди деб ўйлайдилар, аслида эса Буддо бу дунёда абадий яшайди, унга ибтидо ҳам, интихо ҳам йўқ.

Абадий яшовчи Буддо ҳар бир одамни яхши билади ва одамларни ҳар хил воситалар билан паноҳига олади.

Буддо тарғиб қилган барҳаёт Дҳармада риё йўқ. Буддо дунёдаги нарсалар қандай бўлса, шундайлигича яхши билади, буни одамларга ҳам ўргатади. Дунёдаги барча нарсаларни асл ҳолича билмоқ душвор. Чунки тўғри туюлган нарса нотўғри, нотўғри туюлган нарса тўғри бўлиб чиқади. Нодон кишилар дунёни англаб етмайдилар.

Фақат биргина Буддо ҳамма нарсани борича билади. Демак у бу тўғри ёхуд бу нотўғри дея олади. У бу яхши, бу бўлса ёмон дея олади, фақат у асл ҳолни айта олади.

Буддо таълим берадики, “Барча кишилар ўз феъл-атвориға мувофиқ иш-кори ва эътиқоди билан яхшилик қилиши керак.”

2. Буддо сўзи билангина эмас, балки аъмоллари билан ҳам таълим беради. Буддо ҳаётининг на ибтидо, на интиҳоси бўлмаса ҳам, ўз ҳою ҳаваслари билан яшаётган кишиларнинг кўзини очмоқ, ўз ўлими билан одамнинг ўлимига маҳкумлигини кўрсатмоқ учун, у ўлади.

Масалан, айтайлик, табибнинг кўп болалари бор. Бир куни у қўшни давлатга кетди. У йўқ маҳалда болалари захар ичиб олдилар-да, ўзини ёмон ҳис

Абадий Буддо

қилдилар. Саёҳатдан қайтган табиб қўрқиб кетди ва болаларга дори берди.

Ҳали айнимаган болалар дорини ичдилар-да, тузалдилар. Айниган болалар эса дорини рад этдилар.

Болаларини даволамоқ учун, табиб-ота ҳийла ишлатишга қарор қилди. Болаларига деди: “Узоқ саёҳатга жўнашим керак. Қариб қолдим, қачон ўлишимни ҳам билмайман. Мабодо ўлимим ҳақида хабар топсангиз, сизга қолдириб кетаётган доримни ичинглар ва тузалиб кетинглар.” Ва у яна узоқ саёҳатга жўнабди. Ўлими тўғрисида болаларига хабар бериш учун, йўлдан уйга хизматкорини жўнатибди.

Хабарни эшитган болалар қаттиқ қайғуришибди. “Отамиз ўлибди энди бизни ҳимоя қилгувчи йўқ”, - дея йиғлашибди. Мусибат ва умидсизлик ичра улар оталарининг сўзини эслабдилар ва у ташлаб кетган дорини ичибдилар, шу билан тузалибдилар.

Бу ёлгон учун табиб-отага таъна қилмоқ мумкинми ахир? Буддо ҳам худди шу табиб кабидир. Ўз хою ҳавасларидан сукир бўлган кишиларни фориг қилмоқ учун, у бу дунёда туғилмоқ ва ўлмоқ борлигини кўрсатади.

3-БОБ
БУДДОНИНГ ТИМСОЛ ВА
КОРИ ХАЙРЛАРИ

1. БУДДОНИНГ УЧ ТИМСОЛИ

1. Буддони тимсол ёхуд шаклда ахтармоқ — бе-кор. Чинакам Буддо тимсол ва шаклда бўлмайди. Асил Буддо — бу дили равшанликдан бошқа нарса эмас. Дили равшанликка эришган кишигина уни кўра олади.

Мабодо биров Буддонинг ажойиб тимсолини кўриб қолиб, Буддони кўрдим деса, бу жоҳил кўзнинг хато-сидир. Буддонинг асил тимсоли ҳеч кимга кўринмайди. Буддони ҳеч қандай бўёқ билан сурат-лаб, Буддо тимсолини ҳеч қандай сўз билан тасвирлаб бўлмайди.

Мабодо тимсолга эга бўлса, у Буддо эмас. Буддо-нинг тимсоли йўқ. Шу билан айти пайтда Буддо хуш кўрилган гўзал тимсолларда намоён бўлади.

Буддонинг тимсол ва хайрлари

Мабодо биров Буддонинг шаклга боғлиқ бўлмаган намоёишини очиқ-ойдин кўрса, демакки, у Буддони кўрмоқ лаёқатини қўлга киритибди.

2. Буддонинг борлиги — бу дили равшанликнинг ўзи, емирилишни билмайдиган абадий хилқат. Бу озуқа ёрдамида тикланган тана эмас, балки ақл-заковатдан иборат абадий хилқат. У на қўрқувни, на касалликни билади. У абадий ва ўзгармасдир.

Инчунин, Буддо ҳеч қачон емирилмайди. Дили равшанлик ўлмас экан, Буддо ҳам ўлмайди. Дили равшанлик ақл-заковат нури суратида намоён бўлади ва одамзотнинг нурлантиради ҳамда Буддо оламини яратади.

Бу ҳақиқатни англаган киши Буддонинг ўғли ёхуд қизига айланади, Буддодан таълим олиб, унга эргашади. Ва бу таълимотни келажак авлодларга етказди. Буддо қудратидан кўра мўъжизакорроқ ҳеч нарса йўқ.

3. Буддонинг уч аъзойи бадани бор. Улардан бири — Дҳармакая ёхуд Буддонинг ўз моҳияти. Иккинчиси — Самбхугакая ёхуд Буддонинг пинҳоний имкониятлари. Учинчиси эса Нирманакая ёхуд Буддонинг намоён бўлиш шакли.

Дҳармакая — бу Дҳарманинг ўзи. Дҳарма бўлса ҳақиқат билан ақл-заковат омухтаси, у бу ҳақиқатга етишган эди

Дҳарма — Буддонинг ўзи. Буддо на тусга, на шаклга эга. Ранги ва шакли бўлмаганидек, у ҳеч қаердан келмайдиги ҳам, ҳеч қаерга кетмайдиги ҳам. Бас, у ҳеч қаердан келмас ва ҳеч қаерга кетмас экан, у ҳар жойда ҳозир. Бепоён осмон каби у ҳамма ва ҳамма нарсалар узра ёйилган.

Одамлар у ҳақда мавжуд деб ўёлаганлари учун, Буддо яшамас. Одамлар у ҳақда унутганлари учун, у гойиб бўлмас. Одамлар қувонган чоғда келиб, одамлар эринган чоғда у кетмайдиги. Одамлар қандай ўйлаб, қандай туймасин, Буддо ҳамма ёқда ва ҳар жойда мавжуд.

Буддонинг вужуди бутун оламларни ўзига сигдиради, у ҳақда одамлар қандай ўйламасинлар, у ҳамма ёқда мавжуд, у абадий.

4. Самбҳогакая — бу шаклга молик бўлмаган Дҳармакая Буддонинг намоён бўлишидир. Жабрланган кишиларни қутқармоқ учун, улар қошида у бирон-бир қиёфада намоён бўлади, улар учун дуо қилади, ўзини жисмоний қийноқларга солади, ўз отини атайди ва одамларни нажот сари бошлайди.

Буддонинг тимсол ва хайрлари

Мазкур Буддонинг моҳияти — Олий ҳамдардликдир. У одамларни имкон қадар воситалар ила паноҳига олади. У ҳамма нарсани ямлагувчи аланга каби дунёвий эҳтирослар ўтинини куйдириб ташлайди. У чангни супуриб ташлагувчи шамол янглиг гумроҳлик чангини тарқатиб юборади.

Нирманакая — бу одам қандай эса, шунга боғлиқ қиёфада улар қошида намоён бўлиб, паноҳига олгувчи Буддодир. У бу дунёда тугилди, дунёвий ҳаётни тарк этди ва дили равшанликка эришди. У имкон қадар воситалар билан одамларни рост йўлга солди, хасталик ва ўлимни кўрсатиб. Уларни огоҳлантирди.

Буддонинг бошлангич бир вужуди — Дҳармакаядир. Илло кишилар табиати билан бир-биридан фарқ қилгандек, улар қошида у ҳар хил қиёфада пайдо бўлади. Буддони излаб топувчилар ўз дили, хулқи ва қобилиятига яраша Буддонинг турли тимсолларини кўрадилар. Буддо уларга фақат ҳақиқатдан таълим беради.

Буддонинг вужуди уч турли аъзойи баданга бўлинса ҳам, бу ягона мақсаднинг ютуғи учун вожибдир. Бу мақсад эса одамларни халос этмоқ.

Буддонинг бепоён ва абадий вужуди барча одамларда, ҳамма ёқда ва ҳар жойда пайдо бўлса ҳам, бу вужуд — Буддо эмас, чунки, Буддо гавдага молик эмас. Буддонинг вужуди-дили равшанлик, у оламда бор нарсани ўзига сигдира олади. Буддо ҳақиқатга етишган киши қошида муқаррар пайдо бўлади.

2. БУДДОНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

1. Буддо бу дунёда камдан-кам пайдо бўлади. Энди Буддо дили равшанликка эришгач, Дҳармани тарғиб этиб, гумонлар турини йиртаётир, эҳтирос ва истаклар илдизини юлиб ташлаётир, ёвузлик манбаъини дамбалаётир. Олам узра у тўсиқларсиз, мутлақо озод юрибди. Буддони суйиб эъзозламоқдан катта савоб йўқ.

Буддо бу дунёда Дҳармани тарғиб қилмоқ ва одамларга чинакам бахт-саодат бағишламоқ учун пайдо бўлади. Бинобарин, Буддо жабрланаётган кишиларни ташлаб қўймайди, у бу дунёда изтиробларга тўлиб-тошиб пайдо бўлади.

Ҳақиқат бўлмаган дунёда адолатсизлик ҳукм суради, одамлар хою хавасларга кўмилади, жисмонан ва ахлоқан суст тортади. Бунда ҳаёт қисқа, бунда Дҳармани тарғиб қилиш гоят душвор. Фақат одамларга нисбатан Олий ҳамдардлик туфайлигина Буддо бу машаққатларни енга олади.

2. Буддо — ҳар бир одам учун энг яхши дўст. Башарти, дунёвий эҳтирослар юки остида жабрла-

Буддонинг тимсол ва хайрлари

наётган кишини кўрса, бу оғирликни у ўз зиммасига олади.

Буддо — асил устоз. Башарти, у нодон кишини, гумроҳликдан жабрланувчини кўргудай бўлса, аўлзаковат нури билан унинг кўзи ўнгидан зулматни тарқатади.

Бузоқ онасидан бир қадам ҳам нари кетмагандек, Буддо таълимотини англаган киши ҳам ундан нари кетмайди. Чунки унинг таълимоти ҳамипша қувонч бағишлайди.

3. Ой кўздан яширинганда, одамлар ой ботди дейишади. Ой пайдо бўлса, ой чиқди дейишади. Ҳолбуки, ой доимо осмонда, у на ботади ва на чиқади. Буддо ҳам шундай. Буддо абадий яшайди, у туғилмайди ҳам, ўлмайди ҳам. У фақат ҳақиқат томон одамларнинг кўзини очмоқ учун, туғилади ва ўлади.

Одамлар ой тўлмоқда ёхуд ой камтиклашмода дейдилар, ҳолбуки, ой доимо тўлин, у камтиклашмайди ҳам, тўлмайди ҳам. Буддо ҳам шундай. Буддо абадий яшайди, у туғилмайди ҳам, ўлмайди ҳам. Одамларга у туғилгандек, ва ўлгандек туюлади холос.

Ой ҳамманинг ва ҳамма нарсаларнинг устида пайдо бўлади. Ҳам шаҳар узра, ҳам дов-дарахт, тоғлар,

дарёлар узра, ҳам қудуқ ичра, ҳам кўза ичра, япроқлар учидаги шабнам қатралри ичра пайдо бўлади. Одам ойдин тунда кетаётса, ой унинг орқасидан эргашади. Ой ўзи ўзгармайди, балки, унга қандай киши қараяпти, шунга боғлиқ ҳолда у бошқача кўринади. Буддо ҳам шундай. У доимо одамлар ортидан кузатади ва уларнинг кўз ўнгидла турли қиёфада гадаланадзи. Бас, Буддо абадий яшайди, у ўзгармасдир.

4. Буддо бу дунёда сабабиятсиз пайдо бўлиб, сабабиятсиз бу дунёдан ғойиб бўлмайди. Қачонки мавжуд аҳвол одамларни халос этмоққа мувофиқ келганда, у бу дунёда пайдор бўлади. Қачонки мавжуд аҳвол ўтар экан, у ғойиб бўлади.

Кўриниш берганда, туғилиб, яна ўлгандай туюлса ҳам, аслида у на туғилади, на ўлади. Бу ҳақиқатнинг тубига етмоқ керак, ҳайрон бўлиш ва қайғуриш вожиб эмас, Буддонинг таваллуд ўлимини кўриб, атроф-муҳитнинг доимий ўзгаришини пайқаб, дили равшанликка эришмоқ ва олий ақл-идрокка эга бўлмоқ керак.

Буддо танага молик эмас, у ўзи — дили равшанликнинг тажассуми. Тана — фақат бир идиш. Гар бу идишга дили равшанлик жойлаштирилса, бу энди Буддодир. Кимки Буддонинг танаси бор деб

Буддонинг тимсол ва хайрлари

ҳисобласа, унинг жисмоний ўлимига қайгурса, ҳақиқий Буддони кўра олмайди.

Ҳақиқатдан барча ашёлар ўз борлиғи билан пучдир, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Улар юзага чиқиш ва ғойиб бўлишга нисбатан, келиш ва кетиш-га нисбатан, эзгулик ва ёвузликка нисбатан бефарқ. Барча айирма-фарқлар одамларнинг ашёларга нисбатан нотўғри нуқтаи назаридан ҳосил бўлади. Буддо тимсолини илгаш ҳам шу тариқадир. Ҳақиқий Буддо ҳеч қачон пайдо бўлмайди ва ҳеч қачон ғойиб бўлмайди.

3. БУДДОНИНГ ИНОЯТЛАРИ

1. Буддо беш хислати учун ҳаммага мухтарамдир: ҳусни хулқи учун, мислсиз тийраклиги учун, мислсиз ақл-заковати учун, мислсизвоизлик лаёқати ва мислсиз триқатга бошлаш лаёқати учун.

Бундан ташқари, Буддо саккиз хил бошқа лаёқатларга ҳам молик. Биринчидан, у одамга бахтсаодат бағишлайди. Иккинчидан, Буддо таълимоти бу дунёда суду фойда келтиради. Учунчидан, ёмонлик ва яхшилик, ҳақиқат ва риё бобида тўғри таълим беради. Тўртинчидан, у рост йўл билан таълим беради ва одамларни дили равшанликка элтади. Бешинчидан, у барчани ягона йўлдан бошлайди. Олтинчидан, Буддо кибр-ҳаво ва мақтанчоқликка бегона. Еттинчидан, у

ўз сўзларига содиқ ва сўзи билан аъмоли бир. Саккизинчидан, шу таарифқа у ўз онт ва аҳдларини муқаррар адо этади.

Буддо ҳаёлан тинчлик ва осойиштлик каасб этади, барчага меҳр-шафқат ва ҳамдардлик бажо келтиради. У батамом бегаразликка эришди, дилнинг бутун вас-васаларидан ҳоли бўлиб, фақат софдил кишиларга насиб қилувчи бахт-саодатга етишди.

2. Буддо — барча кишилар учун, ота ва онадир. Ота-она, гўдак туғилгач, 16 ой мобайнида у билан болалар тилида гаплашиб, шундан кейингина уни катталар тилида сўзлашга ўргатади, шунга ўхшаб Буддо ҳам ўз таълимотини одамзот сўзи билан ўргатади, одамлар қошида улар танийдиган тимсолда пайдо бўлади, ҳойнаҳой, уларни ўлимдан сўнгги ва осойишта оламга элтади.

Буддо ўз таълимотни бир тил билан тарғиб қилади, ҳар ким уни ўзича тушунади ва Буддо фақат менга қараб сўзлаяпти деб ўйлайди.

Гумроҳлар учун Буддо дили ақл бовар қилмасдир, уни сўз таърифлаб бўлмайди, фақат зарбулмасал ёр-дамида тушунтириш мумкин.

Ганга сувларини тошбақа-балиқлар, йилки ва филлар ва бошқа жониворлар булғаб турса ҳам, дарё

Буддонинг тимсол ва хайрлари

ҳамиша тоза. Буддо ҳам шундай. Бошқа дин-эътиқодларнинг қанчалаб балиқ ва тошбаақалари сузса ҳам, сувни чайпаса ҳам, Буддонинг Дҳармаси бурунгидек тозаа ва тиниқ қолаверади.

3. Буддонинг ақл-заковати барча ҳақиқатлаарни билади. Буддо чеккалиқдан қочади ва доимо ўртача йўл тутади. Ҳар қандай ёзув ва тилдан юқори туриб, у дунёдаги барча кишиларнинг фикрини ўқийди ва ўз ақл-заковати билан бир сонияда жумла жаҳонни қамрай олади.

Бепоён денгизда барча юлдузлар акс этганидек, Буддонинг ақл-заковати денгизида барча кишиларнинг режа ва фикрлари, бошқа шу кабилар аксланади. Шунинг учун Буддонии Бутунжаҳон Сарбони дейдилар.

Буддонинг ақл-заковати кишиларнинг қуриган дилларини яшнатади, уларга нур бағишлайди, ҳаёт мазмуни нимадан иборатлигини ўргатади, ҳақиқат, равнақ ва ҳалокат, сабаб ва оқибатлар сари кўзини очади. Буддонинг ақл-заковати туфайли кишилар дунёни биладилар.

4. Буддо одамлар қошида фақат Буддо тимсолидагина пайдо бўлмайди. Баъзида у иблис тимсолига, баъзан аёл тимсолига кира олади, баъзан маъбуд қиёфасида, шоҳ ёки вазир қиёфасида келади, у фоҳишанинг уйига ҳам, қиморбознинг уйига ҳам келади.

Оммавий равишда касаллик тарқаганда, Буддо шифокорга айланади, ҳаммага дори тарқатади ва ўз таълимотини тарғиб қилади. Уруш қўзғолса, одамларнинг бало-қазолардан қоча олиши учун, тўғри таълимотни ўргатади. Биргина нуқтаи назарга аттиқ ёпишиб олган кишига дунёда барқарор ҳеч нарса йўқлигини уқтиради. Киёр-ҳаво ва худбинликка чўмган кишини камтарлик ва фидокорликка ўргатади. Дунёвий ҳузур-ҳаловатда яшаётган кишига бахтсизлик ва бало-офатлар дунёсини кўрсатиб қўяди.

Ҳаётнинг барча ҳодисотида намоён бўлаётган Буддонинг саъй-ҳаракати Дҳармакая (Буддонинг мутлоқ табиати) дан келиб чиқади. Унинг интихоосиз халоскорлик нури ҳам Дҳармакаядан келиб чиқади.

5. Бу дунёда ҳаёт ёнаётган уйдаги каби нотинч. Одамлар жаҳолат қоронғулигида яшайдилар, улар газабланади, ҳасад қиладилар, бир-биридан хафа бўладилар, дунёвий эҳтирослар уларнинг турмушини бузади. Гўдакка она даркор бўлганидек, одамларга ҳам Буддонинг меҳр-шафқати ва ҳамдардлиги даркор.

Буддо табарруклар ичра табаррук. У — бу дунёнинг отаси. Бинобарин, барча одамлар — унинг бола-

Буддонинг тимсол ва хайрлари

лари. Улар фақат роҳат излайдилар, бало-офатларни олдиндан илгашга идроки йўқ. Бу дунё азоб-уқубатларга тўла, унда ҳар доим қарилик, касаллик, ўлим оловлари ёниб турибди.

Буддо эса аланга қўйнидаги дунёдан, янглишувлар ўрмонидан ташқарида ва дейдики:

“Бу менинг дунёим. Кимки унда яшаётган бўлса, ҳаммаси — менинг болаларим. Уларни адоқсиз азоб-уқубатлардан фақат мен қутқара оламан.”

Буддо — дарҳақиқат улуг шоҳ Дҳармадир, у ўз таълимотини хоҳлаганча тарғиб қила олади. Буддо бу дунёда одамларни юпатиш ва уларга бахт-саодат бахш этиш учун пайдо бўлган. Одамларни азоб-уқубатлардан қутқармоқ учун, Дҳармани тарғиб қилган. Илло одамлар эҳтирослар туфайли унга қулоқ солмайдилар ва унга парво қилмайдилар.

Лекин бу таълимотни тинглаб хушнуд бўлган кишилар янги оламга ўтказиади, бу ердан энди улар янглишувлар оламига тушмайдилар. Буддо айтганидек, “Менинг таълимотимни унга инонган кишиларгина қабул қилади. Ақл билан эмас, фақат Буддога эътиқод билан таълимотни англамоқ мумкин.” Зеро, Буддо таълимотига диққат билан қулоқ осмоқ ва унга аниқ эргашмоқ керак.